

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ТЎРТА ЕТАКЧИ ХУКУМАТ БОСМА НАШРЛАРДА ФОТОСУРАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ПЛАНЛАР ХАЛҚ СЎЗИ, НАРОДНАЯ СЛОВА, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ПРАВДА ВАСТОКА

Оқил Гулямов

ЎзЖОКУ, Рақамли медиа ва интернет
журналистика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистондаги тўрт етакчи ҳукумат босма нашри - “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарида фотосуратлардан фойдаланиш амалиёти таҳлил қилинади. Тадқиқот доирасида 2024-2025 йиллар давомида мазкур нашрларнинг барча сонлари, айниқса бош саҳифа ва ички бетларда жойлаштирилган фотосуратлар ўрганилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, расмий босма нашрларда фотосуратлар асосан иллюстратив ва тасдиқловчи вазифани бажариб, мустақил визуал ҳикоя воситаси сифатида етарли даражада намоён бўлмаяпти. Бош саҳифаларда ўрта ва умумий планлардаги, уфқий композициядаги ҳамда расмий протокол характердаги кадрлар устунлик қилади. Натижада фотосуратларда жанрий, композицион ва эмоционал хилма-хиллик чекланиб, турли ракурслар, динамик лаҳзалар, инсонпарварликка йўналтирилган тасвирлар ҳамда экспериментал визуал ечимлар кам қўлланилгани аниқланди. Мақолада давлат босма нашрларида фотожурналистика имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш, фото таҳририят фаолиятини кучайтириш ва визуал контент орқали очиқлик, таъсирчанлик ҳамда рақобатбардошликни ошириш зарурлиги асосланади.

Аннотация

В данной статье анализируется практика использования фотографий в четырёх ведущих государственных изданиях Узбекистана: газетах «Халк Сози», «Народное

Слово», «Янги Озбекистон» и «Правда Востока». В рамках исследования были изучены все выпуски этих изданий за 2024–2025 годы с особым вниманием к фотографиям, размещённым на первой странице и на внутренних страницах. Результаты анализа показывают, что в официальных печатных изданиях фотографии в первую очередь выполняют иллюстративную и подтверждающую функцию и недостаточно проявляют себя как самостоятельное средство визуального повествования. На первых страницах преобладают средние и широкие планы с горизонтальной композицией и официальным, протокольным характером. В результате фотографиям не хватает жанрового, композиционного и эмоционального разнообразия: различные ракурсы, динамичные моменты, образы, в центре которых находится человек, и экспериментальные визуальные решения используются крайне редко. В статье обосновывается необходимость более эффективного использования возможностей фотожурналистики в государственных печатных изданиях, укрепления деятельности фоторедакции, а также повышения прозрачности, влияния и конкурентоспособности за счет визуального контента.

Abstract

This article analyses the practice of using photographs in four leading government publications in Uzbekistan: the newspapers ‘Xalq So’zi’, ‘Narodnoe Slovo’, ‘Yangi O’zbekiston’ and ‘Pravda Vostoka’. As part of the research, all issues of these publications during 2024-2025 were studied, with particular focus on the photographs placed on the front page and within the interior pages. The results of the analysis show that in official print publications, photographs primarily serve an illustrative and confirmatory function, failing to sufficiently manifest as an independent visual narrative tool. The front pages are dominated by medium and wide shots, with a horizontal composition and an official, protocol-like character. As a result, the photographs lack genre, compositional and emotional diversity, with various angles, dynamic moments, human-centred imagery and experimental visual solutions being used sparingly. The article argues for the need to make more effective use of photojournalism opportunities in state print publications, to

strengthen the activities of the photo editorial office, and to increase transparency, impact, and competitiveness through visual content.

Калит сўзлар: фотожурналистика, босма нашр, давлат матбуоти, фотосурат, визуал коммуникация, бош саҳифа, ракурс, план, композиция, фото таҳририят, репортаж, сурат, статик фототасвир, медиа таҳлил, Ўзбекистон матбуоти

Кириш

Бугунги глобал ахборот маконида фотосурат оммавий ахборот воситаларида аудитория диққатини жалб этувчи, ахборотни тез ва таъсирчан етказувчи муҳим визуал воситалардан бирига айланган. Айниқса, босма нашрларда фотосурат нафақат матнни безовчи ёки тасдиқловчи элемент, балки воқеликни образли ифодаловчи, ўқувчида муайян тасаввур ва муносабат шакллантирувчи мустақил ахборот манбаи сифатида ҳам хизмат қилади. Шу маънода фотожурналистиканинг жанрий, композицион ва эмоционал имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш замонавий матбуотнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистондаги расмий давлат босма нашрлари жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётини ёритишда муҳим ўрин тутади. Хусусан, “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” каби етакчи нашрлар давлат сиёсатини, расмий тадбирлар ва халқаро учрашувларни кенг ёритиб боради. Мазкур нашрларда фотосуратлардан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш орқали давлат матбуотининг визуал стратегияси, ахборотни тақдим этиш услуги ва аудитория билан мулоқот шакллари баҳолаш мумкин.

Тадқиқот жараёнида 2024-2025 йиллар давомида ушбу газеталарнинг барча сонлари таҳлил қилиниб, бош саҳифа ва ички бетлардаги фотосуратларнинг жойлашуви, мавзуси, композицияси, плани, ракурси ва функционал хусусиятлари ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият фотосуратлар давлат раҳбари, юқори лавозимли шахслар, расмий учрашувлар ва ташрифларга бағишланган бўлиб, уларнинг катта қисми расмий манбалар, хусусан Президент матбуот хизмати

томонидан тақдим этилган кадрлардан иборат. Бу эса фотосуратларнинг мазмун ва шакл жиҳатидан ўзаро ўхшашлигига, визуал такрорланишга ва фотожурналистиканинг ижодий имкониятлари чекланишига олиб келмоқда.

Шунингдек, бош саҳифаларда асосан ўрта ва умумий планлар, марказий композиция, уфқий кадрлар ҳамда статик ҳолатдаги расмий суратлар устунлик қилиши кузатилади. Репортаж характердаги жонли кадрлар, инсон ҳиссиётини очиб берувчи суратлар, ноодатий ракурслар, диагонал ёки вертикал композициялар, шунингдек оқ-қора бадиий фотосуратлар деярли учрамайди. Бу ҳолат бош саҳифаларнинг бир-бирига ўхшаш бўлиб қолишига, визуал таъсирчанликнинг пасайишига ва аудитория қизиқишининг чекланишига сабаб бўлади.

Мазкур мақоланинг мақсади - Ўзбекистон давлат босма нашрларида фотосуратлардан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва фотожурналистиканинг замонавий талаблари асосида уни такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот натижалари давлат матбуотида визуал материалларнинг ўрни ва аҳамиятини қайта кўриб чиқиш, фото таҳририят фаолиятини кучайтириш ҳамда босма нашрларнинг рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон ҳукумат босма нашрларида фотосуратлардан фойдаланишнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни фотожурналистиканинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: «Халқ сўзи», «Народное слово», «Янги Ўзбекистон» ва «Правда востока» газеталарининг 2024–2025 йиллардаги сонларида фотоматериаллардан фойдаланиш амалиётини комплекс таҳлил қилиш. Расмий босма нашрлардаги фотосуратларнинг жанр, композиция, ракурс ва визуал ечимлар

нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларини аниқлаш. Фотосуратларнинг ахборот етказишдаги «иллюстратив» вазифасидан «ҳикоя қилувчи» (**storytelling**) функциясига ўтиш имкониятларини баҳолаш. Давлат ва нодавлат нашрлари ўртасидаги визуал маданият фарқларини қиёсий ўрганиш ҳамда фотожурналистика стандартларини жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари. Мазкур тадқиқотда қуйидаги методлардан фойдаланилди: Контент-таҳлил методи: Тўртта етакчи ҳукумат босма нашрининг 2024–2025 йилларга оид барча сонлари мониторинг қилинди. Газеталарнинг бош ва ички саҳифаларидаги фотосуратларнинг мавзуси, жойлашуви, ракурси, плани ва жанр хусусиятлари тизимли ўрганиб чиқилди. Қиёсий (компаратив) таҳлил: Расмий давлат нашрларидаги фотосуратларнинг визуал сифати ва жанр хилма-хиллиги нодавлат нашрлари билан солиштирилди. Визуал таҳлил: Фотосуратларнинг композицион ечимлари (оқ-қора ва рангли тасвирлар, ноодатий ракурслар, репортаж ва портрет жанрлари) замонавий фотожурналистика талаблари асосида баҳоланди.

Ҳукумат босма нашрларини асосий қисмини давлат раҳбари ва юқори лавозимли шахсларнинг учрашувлари, расмий ташрифлар ташкил этади. Бундай суратлар кўпинча Президент матбуот хизмати томонидан тақдим этилади ва улардан фойдаланишда расмий каналларга ҳавола бериш ва ўқувчилар сонини оширишга қаратилади. 2024-2025 йил давомида нашр этилган барча сонларини таҳлил қилинди. Бунда газеталарнинг бош саҳифалари ва ички бетларидаги фотосуратлар аниқ ўрганилинди. Расмий босма нашрларда фотосуратлар Қўшимча (тасдиқловчи) вазифасида қолаётганлиги давлав ва жамиятни фотосуратлар орқали ажралаётгани но ўрин хособланади. Аниқлик замонида сунийлик статик кайфиятни бериб қолиши эҳтимоли юқори хисобланади. Фотосуратларнинг катта қисмини ҳукумат тадбирлари халқаро даражадиги учрашувлар ва давлат стратегиларини кўрсатувчи фотосуратлар жой олган.

Фотосуратлар — диққатни тортувчи (hook) асосий восита. Улар ўқувчининг ҳиссиётига таъсир қилиш, воқеа жойини кўрсатиш ёки материални визуаллаштириш учун хизмат қилади.

Муқова бош саҳифада ўрта ва умумий планлар мунтазам такрорланиб келинган ва уфқ чизигида олинган фотосуратлар катта қисмни ташкил этади. Бу эса босма нашрларда ўзаро ўхшашликни келтириб чиқаради. Ўқувчи (обуначи) учун ёш чегарасини чеклайди ва фотосуратларга бўлган визуал кенгликни йўқ қилади. Ўқувчи (обуначи) учун нафақат фотосуратлар сиёсий балким турли жанрларда бўлиши керак ва унинг тасвирга олинishiда фотосуратларни турли нуқталарда ва ракурсларда олишини талаб этади. Фото таҳририя бўлими бошлиғи фотосуратларни таҳрир этилиши ва унинг турли бўлишини тامينлаши керак. Бунда бош саҳифаларда коллож ёки бошқа усуллар эмас балким тўлиқ саҳифани эгаллаши мумкин бўлган фотосуратни аниқ жойлаштира олиши керак. 2024-2025 йил оралиғида тўлиқ бош саҳифани эгаллаган фотосурат қўйилмаган. Босма нашрларда фотографиядаги кўплаб жанрлардан фойдаланилмаган етакчи босма нашр сифатида катта ҳажмли эканлигига қарамай фотосуратларнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳар қандай обуначи учун такрорлашиш ўхшашлик каби тушунчани шакиллантиради. Рангли бош саҳифада Архитектуранинг тунги ёки маълум бир масканнинг но одатий фотосуратидан мутлоқ фойдаланилмаган. Бугунги кунда фотосуратларни бош саҳифага нафақат рангли балки оқ қора тусда фойдаланиши кераклигини умуман этиборга олмаган. Байрам сонларидаги фотосуратлар мунтазам уюштирилган ёки бошқа йиллардаги байрам сонларидаги расмлардаги ўхшашлиги доимий давом этган.

Бош саҳифаларда нималар «аниқ йўқ» ёки етишмайди?

Бугунги кундаги фотожурналистика стандартлари билан солиштирганда, ушбу газеталарнинг бош саҳифаларида қуйидаги жиҳатлар деярли кузатилмайди:

Репортаж фотосуратлари (Action shots): Воқеаларнинг ичида содир бўлаётган жонли жараёнларни (in-the-moment) кўрсатувчи кадрлар жуда кам. Аксар ҳолларда давлат ва халқаро аҳамиятдаги табдирларнинг расмий фотосуратлари ёки «саломлашиш» каби протокол ҳолатлари устунлик қилади.

Эмоционал ва инсонпарварлик (Human interest) тасвирлари: Оддий одамларнинг кундалик ҳаёти, ҳис-туйғулари ёки ижтимоий муаммоларни ўткир ракурслардан очиб берувчи, «ҳикоя қилувчи» (storytelling) суратлар бош саҳифалардан ўрин олмайди.

Экспериментал композиция: Замонавий газета дизайнида кенг қўлланиладиган ноодатий ракурслар (масалан, юқори ёки пастки нуқтадан олинган), силуэтлар ёки кадрнинг носимметрик ечимлари деярли учрамайди. Барчаси анъанавий «марказий жойлашув» қонунига бўйсунди.

Статик тасвирлар: Одамларнинг табиий ҳиссиётлари акс этган лаҳзалар эмас, кўпроқ «қотиб қолган» расмий суратлар устунлик қилади. Бу эса аудиторияда суратга нисбатан эмоционал боғланишни сусайтиради.

Суратлар асосан «иллюстратив» вазифани бажаради: Улар матнда ёритилаётган воқеанинг тасдиғи сифатида хизмат қилади ва кўпинча статик (ҳаракатсиз) бўлади.

Сурат ости изоҳлари баъзан етарлича кенг эмас. Фотосурат мустақил ҳикоя қилиб бериши керак бўлган ҳолатларда, у фақат «иллюстрация» вазифасини ўтаб қолаётгани сезилади. Расмий нашрларда одамларнинг «қотиб қолган» портретлари кўп, лекин уларнинг ҳақиқий ҳиссиётлари (табассум, чарчоқ, самимий мулоқот, қўлланмаган ҳаракат) акс этган «жонли» кадрлар кам. Бу аудиторияда суратга нисбатан ишонч ва меҳрни пасайтиради ва барчанинг ҳисоб учун деган тасуротни келтириб чиқаради. Аслида асилликни энг муҳим тамоили фотосуратни таҳрирлашда энг кучли тарафларини ва кенглигини сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади.

Хилма-хиллик (Diversity) давлат босма нашрларида ирқий, гендер ва этник хилма-хилликни акс эттирувчи суратларга катта эътибор бериш орқали давлатнинг демократик қадриятларини визуал тарзда тасдиқлаш воситасидир.

Ҳукумат босма матбуот нашрларида фотосуратлар берилишида диаганал ёки вертикал фотосуратлар бош саҳида но одатий тарзда камдан-кам жойлаштирилади бу эса форматлардан нотўри талқил филонаётганлига мисол бўла олади.

Юқорида оқ қара фотосуратлар бош саҳифада қўйилмаслиги стереотип мотам тушунчада қолгандай кўринади аслида босма нашларнинг пайдо бўлишида оқ қара фотосуратладан оқилонга фойдаланилган ва ҳақиқий маъноларда фотосурат ўз иши бажарган. Бугунги тарақиёт замонида фотокаммерадики чекланишлар деярли тугаган ва бунда фақат фотожурналистан фотографиядаги ҳақиқийликни ифодалаш қолади. Хар қандан талаб ва таклиф бор босма нашрларда фотграфиянинг ўрни юқори аҳмаиятлилик даражада сақлаб қолишниши шарт ва зарур. Фото таҳририятда фаолият юритаётган мутахассисдан хар қачонгидан ҳам юқори малака ва замонавийликни талаб этади. Бунда фотографиянинг эстетиканиси ва атрофда юз бераётган воқеяликка доимий фотосуратлар орқали муносабат бериш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини бошсма нашрларнинг маълум бир саҳифаларида мунтазам кўрсатилиши керак эди. Аммо кўп ҳолларда интервью ва бошқа мазмундаги ёзув билан чекланган. Даврий амалиётида кам қўлланилган хроникал фотосуратлардан деярли фойдаланилмаган бу ҳам обуначилар учун маълум бир маънода янгилик сифатида шакилланади эди. Айтайлик Мустиқликнинг илк даврларидаги одамларнинг кўчадаги ҳоллари бозор ёки гузарларнинг но одатий ракурсдаги фотосурат орқали томошабиннинг этиборини тортишга сабаб бўлар эди.

Хар қандай давлат ва нодавлат босма нашрларда кучли рақобат муҳитини шакиллантиришда барча имкониятларда тўла қонли фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиши керак аммо давлат нашрларининг нодавлат нашрлардаги фарк катталигича қолмоқда бунда но давлат босма нашрларда Динамик, ижодий, трендга йўналтирилган фотосуратлар орқали ҳам кўриш мумкин биргина жанрларда устунликни но давлатлар нашрларда кўриш мумкин. Бундан ташқари доимий воқеаларни кузатиш ва жамоатчиликни қизиқтириш, таҳлилини қилиш орқали устун. Расмий давлат босма нашрлари бошқа ҳудудий давлат нашрларидан фарқли намуна бўлиши керак ва бунда ўзининг услубияти ва фотосуратлардан тўғри ва аниқ ишлай олишини кўрсата олиши керак ва шу орқали бошқа нашрлар ўз иш услубиятини белгилайди. Асосий мақсад давлат босма нашрларда жанрлар ва турли

план ва ракурслардан тўлақонли фойдаланиш орқали ҳар қандай сиёсий имиджни шаклланишига хизмат қилишни тامينлайди, жамият очиқли амалиётида эканлигини босмада аниқ, шаффоф кўрсата олган бўлади

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳукумат босма нашрларида фотосуратлардан фойдаланишда бир хиллик ва статиклик кузатилмоқда. Расмий нашрларда суратлар асосан давлат раҳбарлари ва юқори лавозимли шахсларнинг протокол учрашувларини тасдиқловчи восита сифатида хизмат қилмоқда.

Хусусан:

- Бош саҳифаларда репортаж, инсонпарварлик (human interest) тасвирлари ва экспериментал композициялар жуда кам учрайди, барчаси анъанавий ўрта план ва марказий жойлашувга асосланган.

- Фотосуратларнинг мустақил ҳикоя қилиш (storytelling) қобилиятидан етарлича фойдаланилмаяпти, бу эса аудиторияда ҳиссий боғланишни сусайтирмоқда.

- Фотожурналистикадаги хилма-хиллик, жумладан, оқ-қора фотосуратларнинг эстетик имкониятлари, динамик ракурслар ва ноодатий тасвирий ечимларнинг йўқлиги нашрларнинг визуал жозибадорлигини пасайтиради.

Расмий нашрларда суратларнинг асосий вазифаси — **маълумот бериш**. Бирок замонавий ўқувчи учун **ҳикоя қилиш (storytelling)** муҳимроқ. «Халқ сўзи» каби нашрлар суратлар орқали фақат воқеа юз берганини эмас, балки у жамиятга қандай таъсир қилаётганини кўрсата олса, визуал контент сифати кескин ошади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлат босма нашрлари ўз мавқеини сақлаб қолиши ва жамиятда очиқлик, шаффофликни визуал тарзда ифодалаши учун фототаҳририятлар ишини замонавийлаштириш, жанрлар хилма-хиллигини

таъминлаш ҳамда ўқувчини жалб қилувчи (hook) динамик суратлардан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. –Т.: Турон-иқбол. 2018.
2. Гулямов О. Фотожурналистикада сунъий интеллект. //“Онлайн медиа тараққиёти тенденциялари: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами (Тошкент, 2024-йил 24-апрель), Б-148.
3. Файзуллаева Х. Фотожурналистикада ахлоқ масалалари// “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал//www.journal.fledu.uz. № 1/2018, Б-172.
4. <https://press.natlib.uz/ru/editions/95265>
5. <https://press.natlib.uz/ru/editions/102306>
6. <https://press.natlib.uz/ru/editions/95155>
7. <https://yuz.uz/uz/newspaper?page=17>
8. <https://yuz.uz/uz/newspaper?page=23>
9. <https://yuz.uz/uz/newspaper?page=28>
10. <https://yuz.uz/uz/newspaper?page=21>
11. <https://press.natlib.uz/ru/editions/102306>